



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 1 апрель, № 64 (6499) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2016 йил 31 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Н. Йўлдошев бошқарди.

Сенаторлар ўз ишини «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошлади. Таъкидланганидек, охириги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва парламент томонидан қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ролини оширишга қўмаклашган чора-тадбирлар кўрилди, ҳокимият тармақлари бўлиниши конституциявий принциплари босқичма-босқич рўйга чиқаришга, Олий Мажлис, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ваколатлари ва назорат функцияларини кенгайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилди.

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига парламент назорати институтини конституциявий тарзда мустақамлашга, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат функцияларини янада кенгайтириш ҳамда кучайтиришга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонун ҳужжатлари ижро этилиши учун жавобгарлигини оширишга қаратилган тузатишлар киритилди.

Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган-

нинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Кўриб чиқилган Қонуннинг асосий мақсади Конституция ва қонунлар талабларининг ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга оширишнинг ягона ва бир тизимга солинган қонунчилик базасини яратишдан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг зиммасига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларнинг, шунингдек, муҳим давлат дастурларининг рўйбга чиқарилиши юзасидан ушбу давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ҳамда жавобгарлигини оширишдан иборат.

Қонунда парламент назорати субъектлари ва объектлари белгилаб берилган, унинг шакллари мустақамланган, парламент назорати натижалари бўйича кўриладиган чора-тадбирлар тартибга солинган.

Жумладан, Олий Мажлис палаталари, палаталар кўмиталари (комиссиялари), сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳлари, депутатлар ва сенаторлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) парламент назорати субъектлари қаторига киритилган.

(Давоми 2-бетда.)

«ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК»

Пойтахтимизда ана шу мавзуга бағишлаб ташкил этилган навбатдаги кўргазмада ёшларимиз ўзлари қизиққан соҳалар бўйича батафсил маълумот олишмоқда.

Мамлакатимизда ёш авлодга жаҳон андозлари даражасида таълим беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида бу йўналишда кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Кўплаб янги мактаб, коллеж, лицейлар, олий ўқув юртлари барпо этилиб, уллар илғор ахборот технологиялари, ўқув-услубий воситалар билан таъминланаётди.



Юртбошимиз Наврўз байрамга бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида ҳам эртанимиз эгалари ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай деди: «Бизнинг таянчимиз ва суюнчимиз бўлмиш Ўзбекистон ёшларига қарата айтмоқчиман: бошимиздан кечираётган, шиддат билан ўзгариб, тобора мураккаблашиб бораётган давр

барчамизнинг, биринчи навбатда, сиз, азиз фарзандларимизнинг олдида замонавий

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

билим ва касб-хунарларни, интеллектуал бойликларни чуқур эгаллаш, шу билан бирга, мамлакатимизнинг халқаро рақобатдошлигини

янги босқичга кўтариш, иқтисодий ва диверсификация

қилиш, буларни тараққийтиришнинг локомотивига айлантириш каби вазифаларни қўймоқда».

Дарҳақиқат, мана шу фикрлар замирида ҳам фарзандла-

римизни келажакка тайёрлаш, улларга ғамхўрликни янада кучайтириш, замонавий асосда

таълим-тарбия олишлари учун кенг имконият яратиш, пировардида ўз соҳасининг моҳир мутахассиси бўлиб етишишларини таъминлаш каби бошқа

кўплаб долзарб масалалар муҳим, десак, янглишмаймиз.

Кеча пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида бошланган «Таълим ва мутахассислик — 2016» 14-халқаро кўргазмаси ана шу эзгу мақсадларга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир.

(Давоми 3-бетда.)

«Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 25 йиллигини катта сиёсий ва иқтисодий муваффақиятлар билан қаршиламоқда»

Польшанинг Лодзь шаҳрида юртимиз иқтисодий ва сармоявий салоҳиятига бағишланган тақдирот бўлиб ўтди. Тадбирда Лодзин воеводаси губернатори Артур Багенски ҳамда минтақанинг «Samopomoc Chlopska», «Tex-Pol PNU», «Forum Pracodawcow», «Lodz Business Assistance», «Lus-Europae», «Deleka», «Bakalland» сингари йирик саноат, ишлаб чиқариш, савдо компаниялари ва бошқа фирмалар вакиллари иштирок этди.

ЭЪТИРОФ

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Польшанинг марказий қисмида жойлашган Лодзин воеводаси мамлакатнинг 16 минтақасидан бири бўлиб, бу ерда қарийб 3 миллион аҳоли истиқомат қилади. Лодзь шаҳри унинг асосий маъмурий маркази ҳисобланади. Худудда тўқимачилик, кимё, тоғ-кон, озиқ-овқат, меҳнатчиллик саноати ҳамда қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган.

Тақдирот чоғида қатнашчилар Ўзбекистоннинг мустақиллик даврида кўлга киритган ютуқлари, шунингдек, 2015

йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш юзасидан ҳамда 2016 йилдаги энг муҳим устувор вазифалар билан яқиндан танишдилар.

Маросим доирасида республикамиздаги жозибали сармоявий ва ишбилармонлик муҳити, хорижий сармоядорлар учун берилган қўлдош ҳамда имтиёзлар ҳақидаги маълумотларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва банк соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар, мамлакатимизнинг халқаро молия

институтлари билан муваффақиятли ҳамкорлиги ҳам польшалик ишбилармонлар эътиборига ҳавола этилди.

Польша томони вакиллари республикамиз иқтисодий салоҳиятига юқори баҳо бериш баробарида, ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлик ўрнатиш ва мавжуд алоқаларни янада ривожлантириш юзасидан фикр билдирдилар.

Жумладан, Лодзин воеводаси губернатори А. Багенски Ўзбекистон бугунги кунда шитоб билан ривожланаётган давлат саналишини эътироф этди.

— Мамлакатда саноат, технологик жиҳозланиш, таълим ва илм-фан соҳаларида катта муваффақиятлар кўлга киритилмоқда, — деди у. — Бунда интеллектуал салоҳият ва инсон ресурслари муҳим аҳамият касб этаётди. Бундан ташқари молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарама-қарши, Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 25 йиллигини катта сиёсий ва иқтисодий муваффақиятлар билан қаршиляпти.

(Давоми 3-бетда.)

Қисқа

сатрларда

• Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасида «Давлат ёнғин назоратининг энг яхши инспектори» кўрик-танловининг республика босқичи якунлари сарҳисоб қилинди.

• «Туркистон» саройида «Йилнинг тадбиркор аёли» кўриктанловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

• Самарқандда «Маҳаллий давлат ҳокимияти, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бошқармалари фаолиятига «электрон ҳукумат» тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзусида анжуман ўтказилди.

• Андижонда ташкил этилган ўқув-семинар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари фаолиятидаги долзарб вазифаларга бағишланди.

• Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил қилинган «Хўш кайфият» қизиқчилар ва сўз усталари республика кўрик-фестивалининг Бухоро вилояти босқичи якунланди.

• Наманган давлат университетида «Ватан келажаги ёшлар кўлида» ижтимоий лойиҳаси доирасида «Биз бузғунчи ғояларга қаршимиз» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

• Фарғонада «Ўзбекистон ёшлари порлоқ келажак йўли бўйлаб» акцияси ташкил этилди.

• Миллий матбуот марказида почта алоқаси миллий оператори — «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти фаолиятининг асосий йўналишлари масалалари муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани уюштирилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Демократик ислохотларнинг мустақам кафолати

Мамлакатимиз парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш борасида амалга ошириляётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини изчил мустақамлашга қаратилган қатор масалалар кўриб чиқилмоқда. Мухбиримиз билан суҳбатда сенаторлар буни алоҳида қайд этишди.

Ф. ДАДАХОДЖАЕВ, Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси:

— Бугун халқимиз Наврўз шукҳи билан яшаяпти. Жойларда янги ижтимоий объектлар ишга туширилиб, ободонлаштириш ва кўкамзорлаштириш ишлари тобора кенг қулоч ёймоқда. Одамларимиз тинч-омон кунларга шукҳона билдириб, Ватан тараққийига дахлдор-

лик туйғусини намойён этишаётди. Сир эмаски, Ўзбекистон ўзининг тинчликпарвар сиёсати билан жаҳон майдонида юксак мавқега эга бўлиб бораёпти. Айнан ошо йишталик мустақил юртимиз тараққийининг асоси, барча соҳадаги ўсиш ва ривожланиш пойдеворидир. Осмонимиз мусаффо, тонгламиз осуда, кўнглимизда ҳаловат, турмушимизда хотиржамлик бор экан, бунёдкорлик, янгилинишлар давом

этаверди, айём қувончи, ободлик дилларга кўчади.

Давлатимиз раҳбари Наврўз байрамга бағишланган тантанали маросимда алоҳида қайд этганидек, бундай олижаноб, ноёб хусусият ва фазилатларга эга бўлган, пок орзу-интилишлар билан яшаётган, ўзи учун тинчлик-омонликни, мусаффо осмонни истайдиган халқимиз, ҳеч шубҳасиз, яқин ва узок кўшнилари билан муносабатларини ўзаро ҳурмат, дўстлик, ҳам-жиҳатлик, бири-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш асосида қуради.

Парламент юқори палатаси ялпи мажлисида маълумланган қонунлар, муҳокама қилинган масалалар ҳам халқимизнинг мана шу эзгу мақ-

сад ва ниятларига, юртимизни ривожлантириш бўйича белгилаб олинган вазифаларнинг ҳуқуқий негизини мустақамлашга қаратилгани билан ниҳоятда муҳимдир.

Т. МАДУМАРОВ, Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси ўринбосари: — Юртимизда амалга ошириляётган демократик ислохотлар стратегияси парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ролини янада юксалтириш, унинг ваколатларини кенгайтириш, қонунларнинг сўзсиз ба-жариллиши бўйича ижро органлари масъулиятини кучайтиришга хизмат қилаёпти.

(Давоми 2-бетда.)

ФЕСТИВАЛЬ

Аввал хабар берганимиздек, Қашқадарё вилоятида «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Юксак марраларга интилган авлод

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан ташкил қилинган ушбу акция доирасида воҳодаги таълим муассасаларида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари, танлов ҳамда семинарлар уюштирилди.

Уларда депутатлар, ёзувчи-шоирлар, олимлар, актёрлар ҳамда таниқли эстрада хонандалари қатнашгани тадбир нуфузини янада оширди. «Юртимни обод этаман!», «Сиз севган қаҳрамонлар», «Замонамиз қаҳрамонлари», «Депутат ва ёшлар», «Оммавий маданият» ва ёшлар маънавияти», «Нуронийлар эъзозимизда»

(Давоми 3-бетда.)

«Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 25 йиллигини катта сиёсий ва иқтисодий муваффақиятлар билан қаршиламоқда»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Икки давлат ўртасидаги муносабатлар ўзаро манфаатдорлик ва бир-бирини тўғри тушуниш асосида тобора ривожланиб бораётгани бизни қувонтиради. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳамда Польша иқтисодиёт, саноат, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорлик қилмоқда.

ларининг юқори даражадаги солиштирма ҳажми мавжуд, тайёр маҳсулотларнинг экспортдаги фоизи катта, аҳоли жон бошига даромадлар ҳажми ҳам юқори.

Хенрик ШОДАСЕВИЧ, «Samorotoc Choprpska» тўқимачилик компанияси президенти: — Лодзин воеводаси Польшанинг тўқимачилик марказидир, — деди у. — Бу ерда мазкур тармоқнинг Европа ва жаҳонга машҳур ишлаб чиқариш корхоналари жуда кўп. Лодзин компаниялари Ўзбекистонда ҳар йили ўтказиладиган, юқори сифатли пахта толасини таклиф этувчи

халқаро пахта ярмаркасида доимий катнашади. Ўзбек пахтаси борган сари Польша фабрикалари учун асосий хом ашё базасига айланиб қолмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи энг куйай давлатлардан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда республикада оқилна ва ҳар томонлама пухта ўйланган аграр сиёсат юритилаётди. Қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар эса ижобий натижаларни кўлга киритишга асос бўлапти.

«Жаҳон» АА. Варшава

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур анжуман давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қўриқариға мувофиқ, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва

зи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хусусан, ўтган йилларда иштирокчиларнинг 25 фоизи айна шу лойиҳа туфайли ўзларини қизиқтирган олий ўқув юртлири ва келгусида эгаллайдиган мутахассисликларини танлаш имконига эга бўлган. Бундан ташқари, бу ердаги бўш иш ўринлари ярмаркасида икки мингдан зиёд йигит-қизлар

ликка кўмаклашувчи марказлари тендлари жойлаштирилган бўлса, мажмуанинг иккинчи қаватида юртимиздаги олий ўқув юртлири, хорижий таълим муассасалари ҳақида тақдимотлар намойиш этилаётди. — Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги дўстона муносабатлар барча соҳада, жумладан, таълим йўнали-

«ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК»



ўрта махсус таълим, Меҳнат вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мамлакатимиз ёшларини Ўзбекистон ва хорижий давлатлар таълим тизими билан яқиндан таништириш, ўғил-қизларимизнинг қизиққан соҳалари бўйича таълим муассасаларини танлашларига кўмаклашиш ҳамда мутахассислик фаолиятидаги маълум йўналишлар бўйича иш ўринларини тақдим этишга хизмат қилаётган ушбу тадбирнинг нуфу-

доимий иш билан таъминланаётгани ҳам қувонarliдир. Жорий йилги халқаро анжуманда мамлакатимиз билан бирга, Сингапур, Германия, АҚШ, Польша, Буюк Британия, Хитой, Латвия, Малайзия, Испания, Канада, Швейцария каби қатор давлатлар етакчи олий таълим муассасалари, иш берувчилар, турли марказлар катнашаётгани таъкидлаш жоиз. ...Ёшлар ижод саройининг биринчи қаватида юртимиздаги турли корхоналар, Меҳнат вазирлигининг Тошкент шаҳридаги банд-

шида ҳам изчил ривожланиб бораётганидан хурсандимиз, — дейди Германиядаги «ISL Sprachschule» номи хорижий тиллар мактабининг маркетинг бўйича директори Катя Фридель. — Бизнинг таълим масканимиз мамлакатимиздаги олий ўқув юртлирига кириш учун ўқувчи-ларни тайёрлайди. Тахсил тўққиз ой давом этади. Муассасамизга кириш учун академик лицейни тамомлаш ва немиш тилини билиш талаб қилинади. Кўргазма катнашчиларининг аксарияти Осиё давлатларидаги хорижий олий ўқув юртлирига қизиқиб билдираётгани диққатимизни торти. Чунончи, Хитойнинг Ланьчжоу технология университети координатори Цуй Лихоннинг айтишича, мазкур таълим муассасасига ҳар йили юртимиздан 30 га яқин йигит-қиз ўқишга қираб экан. «Таълим ва мутахассислик» 14-халқаро кўргазмаси 2 апрелга қадар давом этади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бахтиёр АҚРАМОВ ва Хосон ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ЭЪЛОНЛАР

Юкск марраларга интилган авлод

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Туманларда уюштирилган «Марра бизники!» лойиҳаси доирасидаги марафон, «Кичик фильмдан катта кинога», «Талабалар театр студиялари», «Ватаним — менинг фахрим!», «Ёшлар — жонли ижро тарафдор!» каби тадбирларда ёшлар ижодий салоҳиятини намойиш этишди.

Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари учун «Ўзбекино» Миллий агентлиги буюртмасига биноан суратга олинган «Барон» бадий фильми намойиш қилинди. Тинчлик ва оқсоқилликни асраб-авайлаш, ёмон иллатлардан сақланиш мавзусига бағишланган ушбу картинадаги воқеалар томошабинларни мулоҳазага чорлади.

Фестивалнинг унутилмас воқеаларидан яна бири Касби туманида «Камолот» уйлорини фойдаланишга топшириш маросими бўлди. Тўрт қаватли, 32 та хонадондан иборат бу кўркем иншоотда ёш оилалар учун барча зарур шарт-шароит яратилган.

Уч кун давом этган ёшлар байрами Қарши шаҳрида ўтказилган «Мустақиллик фарзандлари» деб номланган гала-концерт билан якунланди. Шу кунги турли соҳаларда юқори натижаларни кўлга киритган бир гуруҳ истеъдодли йигит-қизлар тақдирланди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«КО'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Сурхондарё вилояти филиали

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

- I. Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан куйидаги кўчмас мулклар куйилмоқда: 1. ФИБ Термиз туманлараро судининг 2015 йил 22 ноябрдаги 1-5307-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Истомина кўчаси, 59-уй, 3-хонадонда жойлашган, ер майдони 49,70 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси. Бошлангич баҳоси — 62 500 000 сўм. 2. Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 6 февралдаги 19-1402/23843-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Уриқзор кўчаси, 33-уйда жойлашган, «Gloriya mebel servis» хусусий корхонасига тегишли, ер майдони 539,87 кв.м. бўлган, А, Б, А-1, А-3, Ё, Ж-1, Ж-2, Г, В-литерлардан иборат 14 хонали офис, мебель ишлаб чиқариш ҳамда хўжалик бинолари. Бошлангич баҳоси — 300 000 000 сўм. 3. ФИБ Термиз туманлараро судининг 2015 йил 22 ноябрдаги 1-5308-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Т. Мирзаев кўчасида жойлашган, ер майдони 76,18 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси. Бошлангич баҳоси — 10 000 000 сўм. II. Аукцион савдосига Қўмқўрғон тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2016 йил 16 мартдаги 19-1503/17011-сонли ижро варақасига асосан хатланган куйидаги кўчмас мулклар куйилмоқда: 1. Қўмқўрғон тумани, «Қўмқўрғон» ҚФЙ, Янгйер маҳалласида жойлашган, «Yangiyer ulgurji shakana savdo» МЧЖга тегишли, ер майдони 4087,75 кв.м. бўлган маъмурий ва ёрдамчи хўжалик бинолари. Бошлангич баҳоси — 372 524 835 сўм. 2. Қўмқўрғон тумани, «Оқжар» ҚФЙ, Оқсой маҳалласида жойлашган, «Аланик чорва» МЧЖга тегишли, ер майдони 733,37 кв.м. бўлган савдо дўкони. Бошлангич баҳоси — 240 828 193 сўм. 3. ФИБ Қўмқўрғон туманлараро судининг 2015 йил 23 июлдаги 1-1771-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўмқўрғон тумани, Сурхон соҳили маҳалласида жойлашган, ер майдони 3000,0 кв.м. бўлган бир қаватли тураржой. Бошлангич баҳоси — 106 250 000 сўм.

- Аукцион савдоси 2016 йил 5 май кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2016 йил 3 май кун соат 18.00. III. Аукцион савдосига Сарийосиё тумани СИБ томонидан куйидаги кўчмас мулклар тақдоран куйилмоқда: 1. ФИБ Сарийосиё туманлараро судининг 2015 йил 13 майдаги 01-1129-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сарийосиё тумани, «Сарийосиё» ҚФЙ, Хурватан маҳалласида жойлашган, ер майдони 600 кв.м. бўлган, 4 хонадан иборат уй-жой. Бошлангич баҳоси — 77 247 300 сўм. 2. ФИБ Сарийосиё туманлараро судининг 2015 йил 13 майдаги 01-1128-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сарийосиё тумани, «Сарийосиё» ҚФЙ, Хурватан маҳалласида жойлашган, ер майдони 600 кв.м. бўлган, 5 хонадан иборат уй-жой. Бошлангич баҳоси — 91 057 800 сўм. 3. ФИБ Сарийосиё туманлараро судининг 2015 йил 29 июлдаги 01-1817-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сарийосиё тумани, «Сарийосиё» ҚФЙ, Хурватан маҳалласида жойлашган, ер майдони 600 кв.м. бўлган, 5 хонадан иборат уй-жой. Бошлангич баҳоси — 77 247 300 сўм. IV. Аукцион савдосига Қўмқўрғон тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 24 апрелдаги 19-1502/2990-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Ат-Термизий шохкўчаси, Термиз марказий дехқон (озик-овқат) бозорининг шимолий қисмида жойлашган, Қўмқўрғон туманидаги «Yangiyer ulgurji shakana savdo» МЧЖга тегишли, ер майдони 456,09 кв.м. бўлган, икки қаватли, ертўлали савдо дўкони биноси тақдоран куйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 250 000 000 сўм. V. Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2016 йил 12 январдаги 19-1505/22828-сонли, 2015 йил 9 февралдаги 19-1404/24053-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 90-уйда жойлашган, «Термиз Агротехсервис МТП» МЧЖга тегишли, умумий майдони 2076,60 кв.м. бўлган (В, Г, Д-литерлардаги 22 хонадан иборат) омборхона биноси тақдоран куйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 128 370 000 сўм. VI. Аукцион савдосига Музработ тумани СИБ томонидан ЖИБ Шеробод тумани судининг 2013 йил 11 февралдаги 1-17-сонли ижро варақасига асосан

- хатланган, Музработ тумани, «Халқобод» ҚФЙ худудида жойлашган, умумий майдони 600,0 кв.м. бўлган, 5 хонадан иборат уй-жой 5 фоиз арзонлаштирилган ҳолда тақдоран куйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 67 186 422 сўм. VII. Аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан куйидаги кўчмас мулклар тақдоран куйилмоқда: 1. ФИБ Денов туманлараро судининг 2015 йил 26 ноябрдаги 1-4680-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, «Далварзин-1» МФЙда жойлашган, ер майдони 403,28 кв.м. бўлган АЁҚШ биноси. Бошлангич баҳоси — 125 000 000 сўм. 2. ФИБ Денов туманлараро судининг 2015 йил 26 ноябрдаги 1-4712-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи шаҳри, «Хайробод» МФЙ, Бобур кўчаси, 1-уйда жойлашган, ер майдони 66,11 кв.м. бўлган савдо дўкони ҳамда офис биноси. Бошлангич баҳоси — 31 250 000 сўм. VIII. Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2010 йил 5 ноябрдаги 2111-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, «Қизилжар» ҚФЙ худудида жойлашган, умумий майдони 3050,0 кв.м. бўлган, 2 қаватли, 10 хонадан иборат, 2006 йилда қурилган, «Дилором» номи болалар боғчаси (ҳозирги кунда С. Истамов номида бўлган тураржой) 1 фоиз арзонлаштирилган ҳолда тақдоран куйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 267 754 724 сўм. Аукцион савдоси 2016 йил 20 апрель кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2016 йил 18 апрель кун соат 18.00. Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519. Савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Барқамол авлод кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона. Телефон: (0-376) 221-77-94. www.1kms.uz E-mail: rieltavsavdo@inbox.uz Хизматлар лицензияланган.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Иқтисодиётига оид тахмин

Хозирча Европа Марказий банки томонидан соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилган саясий ҳаракатлар куйилганда самара бермаяпти. Мутахассислар фикрича, хом ашё нархининг кескин тушиб кетиши ва чуқур ислохотлар амалга оширилмаётгани юқоридagi каби ҳолат келиб чиқишида асосий омил бўлаётди. Тахлилчиларнинг айтишича, жорий йилда молиявий шароитларнинг ёмонлашуви туфайли еврохудуд иқтисодиёти аввалроқ тахмин қилинганideк 1,8 фоиз эмас, балки 1,5 фоиз ўсади.

Буюртмалар камайди

АҚШнинг «Boeing» корпорацияси йил ўртасига бориб, тижорат лайнерлари ишлаб чиқарувчи бўлимасидаги 4 мингта ва самолётларни синовдан ўтказиш бўлимидаги 550 та иш ўрни қисқартирилишини маълум қилди.

Боиси, у жорий йилда миқозларга 740 — 745 та атрофида ҳаво кемаларини етказиб беришни режалаштирмоқда. Бу ўтган йилдаги нисбатан 22 дона камдир. Ўз навбатида, корпорация бир қатор кўрсаткичлар бўйича «кўҳна китъа»даги асосий рақиб — «Airbus» (Франция)дан ортда қоляпти.

Нуқсонлари борлиги учун

Италиянинг спорт машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Maserati» компанияси Хитойга сотилган қарийб 21 мингта маҳсулотини таъмирлаш учун қайтариб олади.

зайнида нуқсонлар борлиги ҳамда газ бериш педали қотиб қолиши ҳолатлари аниқланган. Маълумот сифатида айтиб ўтиш жоиз, итальян бренди Чин ўлкаси бозорларида ўн йилдан зиёд вақтдан бери фаолият юритиб келади.

Жиддий зарба

Ҳиндистоннинг «Tata Steel» корпорацияси Буюк Британиядаги пўлат куйиш бизнесини сотишга қарор қилди.

Мазкур савдо белгиси 2007 йилда «Corus» (Англия,Голландия) компаниясини харид қилиш йўли билан «Туманли альбон» бозорига кириб борганди. Дунёда пўлат қийматининг арзонлашиши ва унга бўлган талабнинг камайиши «Tata Steel» экспорт салоҳиятига жиддий зарба берди. Шу боис корпорация ўтган йил октябрь ойидан бери 2200 нафар ходимини ишдан бўшатилганга ҳам мажбур бўлди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«Auto best trade» МЧЖ

оммавий оферта асосида тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдога таклиф этади.

Савдога «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ бошқаруви ва кредит кўмитасининг 2014 йил 7 апрелдаги 82 ҳамда 111-сонли қўшма мажлиси баёни ва «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Қорақалпоғистон минтақавий филиалининг 2016 йил 28 мартдаги 01-05/790-сонли оферта аризасига асосан, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уйда жойлашган «Elite stars textile» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз улуши куйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 28 503 658 000 сўм. Ақцепт аризалар хабарнома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Ақцепт аризаларни топшириш ҳамда улуш савдода туришининг энг охири мuddати — 2016 йил 28 апрель кун соат 18.00. Улушни энг юқори нарҳда сотиб олиш ва улуш учун тўловларни энг қисқа мuddатларда амалга ошириш истагини билдирган талабгор савдо голиби, деб топилади. Савдо голибига савдо ўтказилганидан сўнг 10 (ўн) иш кунли мобайнида олди-сотди шартномасини имзолаш, улуш сотилиш баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги маблагни бўнак пули сифатида олди-сотди шартномаси тўзилган санадан бошлаб 30 (ўттиз) иш кунли ичида, тўловнинг қолган қисмини 7 (етти) йилдан узоқ бўлмаган мuddат давомида олди-сотди шартномасида белгиланган ҳолда қисмларга бўлиб, сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаш мажбурияти юклатилади. Улуш тўлов қисмларга бўлиб тўланиши шартли билан сотилган тақдирда, сотиб олинган қийматнинг қолдиқ қисмига 10 (ўн) фоиздан кам бўлмаган миқдорда фоиз ҳисобланади. Зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, объектни баҳолаш ҳамда суғурталаш), савдо ташкилотчисига тўланадиган хизмат ҳақи тўловлари ва юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблаглари ҳисобидан амалга оширилади. Талабгорлар ақцепт ариза билан бирга, қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этишлари шарт: — юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ҳамда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), шунингдек, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Гувоҳнома: № 010942. Ақцепт аризалар қабул қилинадиган ҳамда савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шохкўчаси, 13-уй. Телефон: (+99895) 193-01-11. E-mail: autobesttrade@inbox.uz

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2016 йил 10 май кун соат 14.00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига Тошлоқ тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 27 июлдаги 15-1504/12254-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошлоқ тумани, Тўхтабоев номидаги ҚФЙ, Заркент қишлоғи, Алишер Навоий кўчасида жойлашган, ер майдони 2790,89 кв.м., қурилиш ости майдони 1808,02 кв.м., фойдаланиш майдони 55,10 кв.м. бўлган, 0001-0008-литерлардаги автомобилларга ёнилиги қуйиш шохобчаси. Бошлангич баҳоси — 112 000 000 сўм. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 6 май кун соат 17.00 да тўхтатилади. 2016 йил 22 апрель кун соат 14.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Суд департаменти Фарғона вилояти худудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган куйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нарҳларда тақдоран куйилмоқда: 1. Олтиариқ тумани, «Қапчугай» ҚФЙ, Қапчугай кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 4423,78 кв.м., фойдаланиш майдони 1012 кв.м. бўлган, 0001 — 0016-литерлардаги керамзит базаси. Бошлангич баҳоси — 261 187 323 сўм. 2. Олтиариқ тумани, «Олтиариқ» ҚФЙ, «Зураймомо» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 11365,27 кв.м., фойдаланиш майдони 4596,42 кв.м. бўлган, 0001 — 0012-литерлардаги молхона комплекси. Бошлангич баҳоси — 320 423 002 сўм. 3. Олтиариқ тумани, «Қапчугай» ҚФЙ, «Қапчугай» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 3585,71 кв.м., фойдаланиш майдони 3361,38 кв.м. бўлган, 0001 — 0014-литерлардаги темир-бетон буомлари ишлаб чиқариш цехи. Бошлангич баҳоси — 389 479 350 сўм. 4. Олтиариқ тумани, «Олтиариқ» ҚФЙ, «Кўмирчи» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 112,23 кв.м., фойдаланиш майдони — 87,91 кв.м. бўлган, 0001-литердаги 4-сонли савдо дўкони. Бошлангич баҳоси — 32 053 398 сўм. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 18 апрель кун соат 17.00 да тўхтатилади. Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар кўчмас мулк бошлангич баҳосининг 30 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчисига — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улугбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800020492751003, МФО: 01018, СТИР: 207126622. Манзил: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғинович кўчаси, 58-уй, 1-қават. Телефонлар: (+99873) 244-60-09, (+99890) 231-38-59. Хизматлар лицензияланган.

Боксчиларимиз Олимпиада йўлланмаларини қўлга киритди

Хитойнинг Куинан шаҳрида давом этаётган бокс бўйича Осиё — Океания Олимпиада саралаш беллашувида етти нафар спортчимиз ярим финалда ғалаба қозониб, Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасига йўлланмаларни қўлга киритди.

ХУШХАБАР

Жумладан, тажрибали боксчимиз Ҳасанбой Дўсмутов (-49 кг.) мўғлистонлик Ган-Эрдене Ганхуяеги, Шахобиддин Зоиров (-52 кг.) қирғизистонлик Азат Усеналиевни, Шахрам Ғиёсов (-69 кг.) филиппинлик Сантос Марсиални, Эшход Расулов (-81 кг.) қирғизистонлик Еркин Адилбек улуни, Рустам Тўлаганов (-91 кг.) австралиялик Жейсон Вателейни, Баҳодир Жалолов (+91 кг.) эронлик Абдулмажид Сепехандини мағлубиятга учратди.

Мазкур турнирнинг хотин-қизлар ўртасидаги бахсларида иштирок этаётган Ёдгорой Мирзаева ҳам "Рио — 2016" лицензияси соҳибасига айланган. У вазни 51 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида ярим финалда Хитой Тайпейи вакили Лин Ю

терма жамоаси Бразилияда барча вазн тоифасида совринли ўринлар учун кураш олиб бориш ҳуқуқини қўлга киритди. Чунки бунгача 2015 йили Доха (Қатар)да ўтказилган жаҳон чемпионатида тўрт нафар вакилимиз — Муроджон Аҳмадалиев (-56 кг.), Элнур Абдураимов (-60 кг.), Фазлиддин Фойназаров (-64 кг.) ҳамда Бектемир Мелиқуев (-75 кг.) ҳам лицензия олишга эришганди.

Ҳамюртларимизнинг ушбу муваффақияти давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпиада ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги қарорига муносиб жавобдир.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, ҳозиргача Олимпиада йўлланмаларига сазовор бўлган спортчиларимиз сони 36 нафарга етди. Албатта, бу ҳали яқини натижа эмас. Олдинда лицензия олиш имкониятини берадиган бир қанча нуфузли мусобақалар бор. Уларда ҳам вакилларимиз билдирилган ишонччи оқлашди, деган умиддамиз.

Фазлиддин АБИЛОВ.



Тиндан устун келди. Эътиборли жиҳати, Ёдгорой мамлакатимиз хотин-қизлари орасида Олимпиада йўлланмаларида қатнашадиган биринчи боксчи қиз бўлди. Шу тариқа бокс бўйича Ўзбекистон эракарлар

ҚАРОР ВА ИЖРО

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар туфайли республикамиз банк тизими барқарор фаолият юритмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, аҳоли учун қулай бўлган янги турдаги хизматлар мунтазам равишда жорий этиб келинаёпти.

Пластик карточка:

ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГ, Фойдаланиш учун қулай

Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш амалиёти шулардан бири бўлиб, у жуда қисқа вақт ичида аҳоли турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Бу беҳиз эмас, албатта. Чунки ҳисоб-китобнинг ушбу усули, энг аввало, қулайлиги, тезкорлиги билан устуниликка эга.

Чиндан ҳам, харид қилинган товар ёки кўрсатилган хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакли қимматли вақтингизни тежайди. Қолаверса, ҳисобварақларда сақланаётган маблағлар қўлқондига фойз ҳисобланадики, бу қўшимча даромад олишининг яна бир манбаидир. Энг муҳими, пластик карточкалардаги пул маблағлари ҳимояланган, унинг соҳиблари йўқотиб қўйиш, ўғирлатиш каби ҳолатлардан қўчимас ҳам бўлади. Шу каби афзалликлар боис юртимизда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада такомиллаштириш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар кўриломоқда. Президентимизнинг 2006 йил 3 августдаги "Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2010 йил 19 апрелдаги "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари бу борада дастурий-амал бўлаёпти.

Натижада бугунги кунда муомалага чиқарилган банк пластик карточкалари сони 16,8 миллиондан ошган бўлса, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига ўрнатилган пул терминаллари эса 187,7 мингга етказилди. Шу билан бирга, банк мижозларига янада қулайлик яратиш мақсадида аҳоли гавжум жойларда пластик карточкалар орқали пулларини амалга ошириш имконини берувчи 2 минг 440 танан зиёд кўп функцияли инфокиоск ва банкоматлар ўрнатилган. Пировадиди пластик карточкалар орқали қилинаётган пуллар ҳажми охириги 5 йил мобайнида 5 мартага ортиб, унинг савдо ҳамда пуллик хизматлар соҳаларидан тушумлардаги улуши 60 фоиздан ошди.

Таъкидлаш керакки, республикамиздаги тижорат банкларида пулсиз карточкалар, пул терминаллари ва инфокиосклар бўйича тегишли захиралар яратилган. Аҳоли талаб ҳамда эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, улар муомалага чиқарилиши ва жойлаштирилиши мумкин. Зеро, қўшимча пластик карточкалари муомалага чиқариш, "Сўм" пластик карточкалари орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишда банк ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан риоя этилиши лозим бўлган амалдаги тариф режасига ўзгартиришлар киритиш, янги турдаги банк хизматларини жорий этиш — буларнинг барча-

си давомий жараён бўлиб, замон талабларига қараб ўзгариб бораверади. Хусусан, 2016 йил 25 февралда Марказий банк ҳамда Банкар ассоциацияси томонидан юқоридаги ягона тарифлар режасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Унга қўра, жорий йилнинг 1 мартдан бошлаб пластик карточкалардаги қолдиқ маблағларга йиллик Марказий банкнинг

биноан, юридик шахслар ва яқна тартибдаги тадбиркорларга ҳам янада қулайлик яратилди. Гап шундаки, аввал корпоратив пластик карточкани эмиссия қилишдан олдин 20 еврогача банк хизмат ҳақи ундирилган бўлса, эндиликда бу қиймат 5 еврогача этиб белгиланди. Ёки бўлмаса, илгари йўқотилган ёнқи шикастланган корпоратив карточкалар

хизмат тури ҳисобланади. Мисол учун, бугунги кунда он-лайн режимда ишлайдиган "Электрон ҳамён"лар ёрдамида пулларни истаган вақтда масофадан туриб, банк операторисиз ёки уларни қабул қилувчи ускуналарсиз амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари, "Uzcard-Click", "M-Bank", "U-Pay", "Mobilsavdo" каби пул хизматлари йўлга қўйилган бўлиб, улар кўмағида коммунал, мобил алоқа хизматлари учун пуллар амалга оширилиши баробарида, пластик карточкадаги маблағлар тўғридан-тўғри бошқарилади.

Айтиш лозимки, республикамизда ташкил этилган "Uzcard" пул тизими жаҳон талабларига ғавд берувчи юқори даражада ҳимояланган, яъни ҳар бир пластик карточка эгаси карточка ҳисоб рақамидан пул маблағларини тасаруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи шахсий идентификация рақамига эга. Бу орқали бегона шахслар томонидан сохталаштириш ва пластик карточка эгаси рухсатисиз фойдаланишга йўл қўйилмайди. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, мижозлар ҳисоб рақамидан маблағ ечиш ҳамда унга пул ўтказиш Умумреспублика ягона процессинг маркази орқали амалга оширилади. Бу, ўз навбатида, мижозлар ва сотувчиларни турли қаллоблик ҳамда алдовлардан ҳимоя қилишни таъминлайди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган ана шундай ислохотлар туфайли бугунги кунга келиб, тизимда соғлом механизм тўла шаклланди. Бу маблағлар айланишини назорат қилиб бориш ҳисобига пул массасини бошқариш, муомаладаги нақд пулнинг умумий ҳажмини қисқартиришга ижобий таъсир этмоқда.

Булнинг барчаси пировадиди халқимиз учун қўшимча қулайликлар яратмоқда, сифатли ва замон талабларига мос банк хизматлари кўрсатилаётган. Молия-банк тизимида эса бугунги ютуқлар билан кифояланиб қолмай, бундан кейин ҳам янги-янги ислохотлар илгари олиб борилади.

Маълумки, пластик карточка орқали ҳисоб-китоблар Ўзбекистон ҳудудига масофа билмас

қайта молиялаш ставкасида кам бўлган мижозларга, яъни камда 9 фоиз қўшимча фойз ҳисобланади, жисмоний шахслар пластик карточкаларини (иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия ва оилавий карточкалар) фойдаланиш муддати тугаганда қайта эмиссия қилишда (алмаштиришда) банк хизмат ҳақи ундирилмаслиги, банк эмитентидан қатъи назар, жисмоний шахснинг пластик карточкасидаги маблағлар бошқа бир жисмоний шахс пластик карточкасига ўтказилганда ёки кирим қилинганда банк хизмат ҳақи ундирилмаслиги белгилаб қўйилди.

Янги тарифлар режасига

Миразиз МИРХАЁТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Пул муомаласи департаментининг
бошқарма бошлиғи ўринбосари.

ТАҚДИМОТ

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали мутахассислари томонидан "sohibqiron.uz" сайти яратилди.

«Sohibqiron.uz» сайти яратилди

Бу буюк бобомиз Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига ўзига хос тўхта бўлди. Шу муносабат билан вилоят ҳокимлигида янги сайтнинг тақдимот маросими ўтказилди. Унда тарихчи олимлар, ўқитувчилар, талабалар ҳамда кенг жамоатчилик

вакиллари иштирок этди.

Мазкур сайтга Амир Темур шахси, унинг саркарда сифатидаги фаолияти, бунёдкорлик ишлари, илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси, қолаверса, Соҳибқироннинг умр йўлига оид муфассал маълумотлар жойлашти-

рилган. Улуғ аждодимиз сиймосига оид фото ва видеолар ҳамда мавжуд Веб-саҳифадаги маълумотлар ўзбек, инглиз ва рус тилларида тақдим қилинаёпти.

ТАТУ Қарши филиали ахборот технологиялари кафедраси мудири Абдураҳмон Чўпоновнинг

таъкидлашича, техник жиҳатдан жуда қулай ва фойдаланувчилар учун осон ишланган мазкур сайтга "Android" операция тизимига эга мобил алоқа воситалари орқали ҳам кириш мумкин. Сайтни янада такомиллаштириш борасида изланишлар давом эттириломоқда.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БУНЁДКОРЛИК

Гулистон шаҳридаги Навбахор маҳалласи ҳудудига "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси томонидан 2 миллиард 300 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Маҳаллада замонавий гузар

Хусусан, ушбу маблағнинг 1 миллиард сўми замонавий "Маҳалла гузари" биносини бунёд этишга йўналтирилди. Бинобарин, унда маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда милиция таянч пункти учун алоҳида хоналар мавжуд. Шунингдек, бинодо уй-ҳой мулкдорлари ширкати ҳамда коммунал тўловлар кассаси жойлашганлиги аҳоли учун катта қулайлик бўлди. Айтиш лозимки, "Маҳалла гузари"ни меъеллар билан жиҳозлаш ҳам "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси ҳисобидан бажарилди.

Эътиборлиси, компания ҳомийлигида маҳалла ҳудудига 43 та кўп қаватли тураржой биноларининг кириш йўлақлари таъмирланиб, ёритиш тизими янгиланди. 23 та уйнинг ташқи қиёфаси кўркамлаштирилди. Шунингдек, 8 та уйнинг томи ва яна шунчасининг дераза ромлари замонавийсига алмаштирилди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Истиқлолнинг буюк ҳикмати

Аввал хабар қилганимиздек, мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб барча ҳудуддаги таълим муассасаларида "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мавзусида тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Ўзбекино" Миллий агентлиги ҳамкор-

лигида уюштирилаётган бундай маърифий анжуманлар яқинда пойтахт миқёсида ўтказилган бўлса, айни пайтда Тошкент вилоятда давом этмоқда.

Ёшларни умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни мафқуравий, маънавий

ҳамда ахборот таҳдидларидан ишончли ҳимоялаш мақсадида уюштирилган тадбирларда ёзувчи ва шоирлар, олимлар, актёрлар, эстрада хонандалари, шу жумладан, "Нихол" мукофоти совриндорлари иштирок этаётди.

Кунни кеча улар Ангрэн,

Олмалик, Чирчиқ ва Бекobod туман ҳамда шаҳарларидаги умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хўнар коллежлари ва олий таълим муассасаларида бўлиб, ватанпарварлик, меҳр-оқибат, юртга садоқат каби мавзуларда фикр юритилди. Шеърлар кечаси, санъаткорлар билан учрашувлар, шунингдек, ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт дастурлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Гулнора АҲМЕДОВА.

HYUNDAI
HEAVY INDUSTRIES CO., LTD.

Эксператоры колесные и гусеничные
Эксператоры-погрузчики
Фронтальные погрузчики
Мини-погрузчики

GST OIL
ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБУТОР В УЗБЕКИСТАНЕ

Моб. (+998 98) 123-48-30.
Тел.: (+998 71) 269-29-62,
(+998 71) 269-29-63.
Факс (+998 71) 269-29-60.

Ўзбекистон,
100050, г. Ташкент,
ул. Исиксуюв, 118,
gsthundai@gmail.com

Товар сертифицирован

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ИССИҚЛИК ЎТКАЗМАЙДИГАН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ
ЯНГИ ТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ.

**Минерал пахта, тикилган матлар,
иссиқлик ўтказмайдиغان плиталар**

Базальт негизда иссиқлик ўтказмайдиغان маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи цехимиз
Европа стандартларидаги
асбоб-ускуналар ҳамда замонавий
технологиялар билан жиҳозланган.

Фойдаланиш соҳалари:

- девор ва том бостирмаларини, биринчи қаватнинг полини иситиш;
- энергия тармоқларининг иссиқлик ҳимояси;
- радиатор батареялари ортига иссиқлик қайтарувчи фольгали экранлар ўрнатиш.

ТЕЛЕФОН: (0-370) 214-16-94.
www.uzbeksteel.uz

Маҳсулотлар сертифициланган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ИССИҚЛИК ЎТКАЗМАЙДИГАН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ
ЯНГИ ТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ.

**Минерал пахта, тикилган матлар,
иссиқлик ўтказмайдиغان плиталар**

Базальт негизда иссиқлик ўтказмайдиغان маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи цехимиз
Европа стандартларидаги
асбоб-ускуналар ҳамда замонавий
технологиялар билан жиҳозланган.

Фойдаланиш соҳалари:

- девор ва том бостирмаларини, биринчи қаватнинг полини иситиш;
- энергия тармоқларининг иссиқлик ҳимояси;
- радиатор батареялари ортига иссиқлик қайтарувчи фольгали экранлар ўрнатиш.

ТЕЛЕФОН: (0-370) 214-16-94.
www.uzbeksteel.uz

Маҳсулотлар сертифициланган.

Саломатлик йўлида ҳамкорлик

Кўзда тутилган эзгу мақсадларни рўйбга чиқаришда давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ва халқроқ тузилмалар ўртасида йўлга қўйилган ўзаро алоқалар алоҳида аҳамият касб этаётди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқроқ хайрия фонди ва Германиянинг "Friedensdorf International" халқроқ ташкилоти томонидан имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги уч томонлама шартнома шулар жумласидандир.

Ана шу асосда Жиззах вилояти кўп тармоқли болалар шифохонасида Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ишлайдиган, туғма нуқсонли бор болалар германиялик мутахассислар иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Унинг натижаларига қўра, кам таъминланган оилалар фарзандлари жорий йилнинг август ойидан бошлаб Германия клиникаларида даволашни имкониятига эга бўлишди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ.

Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 116 103 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетимиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган қўлаб-қўлаб тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Рекама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тозаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳаб — С. Исомов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6